

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

35-СОНЛИ ШАРТНОМА

2021 йил “ 5 ” 01

Фарғона тумани

“FOR EVERYONE” МЧЖ (бундан буён матида “Етказиб берувчи” деб номланади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.Абдурахмонов бир томондан ва Ҳудайи Нуруллоев уйи (бундан буён матида “Сотиб олувчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари М.Ҳасанов иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1.Шартнома предмети

1.1 Мазкур шартнома бўйича “Етказиб берувчи” шартноманинг 1.2.бандида кўрсатилган маҳсулотни белгиланган муддатларда “Сотиб олувчи”га сотишни, “Сотиб олувчи” маҳсулотни қабул қилишни ва ҳақини ўз вақтида тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. “Етказиб берувчи” жадвалда кўрсатилган қуйидаги маҳсулотларни сотиб олувчига сотишни ўз зиммасига олади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС	сумма
1	Тухум	дога	9000	1100	9900000		
2	Сафез 82,5%	кг	180	32000	5760000		
3	Бакал	кг	300	17000	5100000		
4	Вермишел	кг	180	6000	1080000		
5	Макрон	кг	180	6000	1080000		
6	Усуллик 87а	кг	60	17000	1020000		
7	Товуқ гушти	кг	100	27000	2700000		
8	Шай	кг	50	15000	750000		
9	Кок	кг	250	14000	3500000		
10					30890000		

(ЎРҚ-725-сон 25.10.2021) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди. ҚҚС солигидан 25 октябрдан 2021 йилдан 31 декабрь 2021 йилгача озод қилинади.

1.3. Шартноманинг умумий суммаси: Ушбу шартномада кўрсатилган маҳсулотларнинг умумий қиймати 30 890 000 сум

2. ТАРАФЛАРНИ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. “Етказиб берувчи”нинг ҳуқуқлари:

- Ушбу шартномани 5.2 бандида кўрсатилган муддатларда ҳисоб китоблар амалга оширилишини “Сотиб олувчи” дан талаб қилишга;
- “Сотиб олувчи” шартномани шартларини бузган ҳолда маҳсулотни қабул қилмаса ёки қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортса, “Етказиб берувчи” шартномани бажаришдан бош тортиш ва зарарни қоплашни талаб қилишга;
- “Сотиб олувчи” томонидан маҳсулот учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганда етказилган зарарни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир;
- “Сотиб олувчи” шартномани 5.2.бандида белгиланган мажбуриятни бажармаса, “Етказиб берувчи” маҳсулотни ўз ихтиёрига кўра сотиш ва ушбу сотишдан кўрилган зарарни “Сотиб олувчи”дан талаб қилишга ҳақлидир;

2.2. “Етказиб берувчи”нинг мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган маҳсулотни “Сотиб олувчи” томонидан берилган буюртмада кўрсатилган миқдорда ва муддатда омондордан бериш;
- етказиб бериладиган маҳсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартномага мос келишини таъминлаш;
- маҳсулотга тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларини маҳсулот қабул қилинган кунни расмийлаштириб бериш;
- “Етказиб берувчи” маҳсулотни етказиб беролмай қолган қисмини ушбу ҳолат аниқлангандан кейин 10 кун ичида етказиб бериш лозим;
- Агар “Етказиб берувчи” шартноманинг 1.2.бандида кўрсатилган мажбуриятларни узрли сабабларга кўра бажара олмаса, 2021 йил “15” ноябргача “Сотиб олувчи”га сабабларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш;

е) Маҳсулот сотиш бўйича шартномавий режалар бажарилмаган ҳолатларда, “Сотиб олувчи”га тўланган маблағлар бўйича қарздорликни қоплаш;

2.3. “Сотиб олувчи”нинг ҳуқуқлари:

Маҳсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартларга мос келишни “Етказиб берувчи” дан талаб қилиш;

“Етказиб берувчи”дан ушбу шартномада кўрсатилган маҳсулотни буюртмага асосан ўз вақтида ушбу шартномада кўрсатилган манзилгоҳда топширишни талаб қилиш;

Зарур сифатга мувофиқ бўлмаган маҳсулот етказиб берилганда “Сотиб олувчи” ўз хошишига кўра “Етказиб берувчи”га маҳсулотни қайтариш;

Зарур сифатидаги маҳсулотни “Сотувчи” ўзи ҳисобидан сотиб олувчига қайта етказиш

Муддатлар бузилган ёки зарур сифатига мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган маҳсулотни қабул қилишни рад этиш.

“Етказиб берувчи”дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани талаб қилишга ҳақлидир.

2.4. “Сотиб олувчи”нинг мажбуриятлари:

а) Маҳсулот қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддат ва тартибда маҳсулот учун тегишли ҳақни олдиндан 30% миқдорда тўлаб беради ва маҳсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак;

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилиши таъминланса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади;

3.2. Ушбу шартномада кўрсатилган миқдордаги маҳсулотни қабул қилиш бўйича якуний ҳужжатлар тузилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Якуний ҳисоб-китобларни тўлов ҳужжатидаги банк муассасаси штампида кўрсатилган сана маҳсулотга ҳақ тўлаш бўйича “Сотиб олувчи” томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

3.3. Олинанидан туркумдаги маҳсулот учун тегишли бўлган ҳақ “Етказиб берувчи”нинг банк ҳисоб рақамига келиб тушганидан сўнг, “Етказиб берувчи” томонидан ушбу шартнома ва шартнома асосида берилган буюртмада кўрсатилган миқдордаги маҳсулотни “Сотиб олувчи”га тегишли юк хати асосида етказиб беради.

3.4. Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган миқдордаги маҳсулот берилган буюртмалар асосида етказиб берилади.

3.5. Маҳсулотни етказиб бериш учун буюртма тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан чопар орқали, почта орқали ёки бошқа тарзда берилади. Буюртмани чопар орқали қабул қилишдан “Етказиб берувчи”нинг ходими “Сотиб олувчи” да келидиган нусхани санани кўрсатган ҳолда у қабул қилганлиги ҳақида белги қўяди.

“Сотиб олувчи” илгари берилган буюртмани бекор қилишда ёхуд маҳсулотни тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақида “Етказиб берувчи”ни буюртма кўрсатилган сана бошланишидан камида 5 кун олдин хабар қилинади.

3.6. “Сотиб олувчи” маҳсулотни қабул қилишда уни сони ва сифатини жойида текшириб қўриши шарт, маҳсулот қабул қилиниб, юклашгандан кейин унинг сақланишига “Сотиб олувчи”нинг ўзи жавоб беради.

4. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

4.1. “Етказиб берувчи” етказиб бериладиган маҳсулотни сифати ГОСТ, ТШ талабларига жавоб беришини таъминлайди, маҳсулотни тегишли сифат сертификатлари билан етказиб беради.

4.2. Маҳсулотни сотиб олгандан сўнг унинг сифати бўйича жавобгарлик сотиб олувчи зиммасига ўтади.

5. МАҲСУЛОТ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Маҳсулот учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

5.2. Маҳсулот етказиб беришга тайёр бўлганлиги тўғрисида “Етказиб берувчи”. “Сотиб олувчи”нинг ёзма равишда хабардор қилгандан сўнг “Сотиб олувчи” етказиб берилаётган туркум маҳсулот баҳосини 30 % миқдорда олдиндан ҳақини тўлаб беради ва маҳсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришини ўз зиммасига олади.

5.3. Агар етказиб берилаётган маҳсулотга (ҳом ашё, ёрдамчи материаллар, электр энергияси, газ ва ҳаказо) кетадиган сарф харажатлар нархи ўзгарган ҳолларда, ушбу маҳсулотнинг нархи ўзгартирилиши мумкин.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Махсулот бериш муддатлари кечиктириб юборилганлиги тўлик етказиб берилмаганлиги учун "Етказиб берувчи" "Сотиб олувчи" га кечиктирилган хар бир мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулот суммасининг 50 %дан ошмаслиги лозим.

6.2. Махсулот сифати сифати асортименти лозим даражада бўлмаган махсулот етказиб берганлиги учун "Етказиб берувчи" "Сотиб олувчи" га ушбу махсулот баҳосининг 5% миқдориде жарима тўлайди.

6.3. Бут бўлмаган махсулот етказиб берилганлиги учун "Етказиб берувчи" "Сотиб олувчи"га етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда бут бўлмаган махсулот қийматининг 5% миқдори жарима тўлайди.

6.4. Етказиб берилган махсулотни танлаб олмаганлиги ёки танлаб олишни асосиз рад этилганлиги учун "Сотиб олувчи" "Етказиб берувчи" га танлаб олинмаган ёки муддатиде олинмаган махсулот баҳосининг 5 % миқдориде тез бузиладиган махсулот учун эса 5% миқдориде жарима тўлайди.

6.5. Шартномада кўрсатилган махсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китобни амалга оширмаганлик учун "Сотиб олувчи" "Етказиб берувчи"га ўтказиб юборилган хар бир кун учун келтирилган тўлов суммасининг 0,5% миқдориде пеня тўлайди. Бунда пеня суммасининг кечиктирилган тўлов суммасининг 50 %дан ортиқ бўлмаслик керак.

7. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ.

7.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган кун, янги фавкулотда ва муайян шарт-шароитларида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, ёнғин, сув тошқини, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар ва ҳақозо) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажарилганлиги (форс, мажор ҳолатини) исботласа жавобгар бўлмайди.

8. НИЗОМЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномани бажарилиши юзасидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишувчи асосида ҳал этилади.

8.2. Тарафлар ўзаро келишолмаган низолар ҳўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

9. ШАРТНОМАНING БОШҚА ШАРТЛАРИ

9.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради, шартноманинг муддати 2024 йил 31 декабр гача тўла ижро этилгунга қадар амалда бўлади.

9.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади ва хар иккала тарафнинг ваколати шахслари томонидан имзоланади.

9.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхадe тузилган.

10. ТОМОНЛАРNING РЕКВИЗИТЛАРИ

"СОТУВЧИ"

"ХАРИДОР"

"FOR EVERYONE" МЧЖ

Манзил: Бағдод шаҳарчаси

Тел/Факс: 479-10-96

Х.Р: 20208000905427531001

Банк: Халқ банки Бағдод филиали

МФО: 00794

ИНН: 308783405

Manzil: Qudash Muruvvat Nogironlar uchun Ayoollar Internet uyi
 Manzil: O'zbekiston tumani Qudash qishlog'i
 ShXR: 1000 2196 0302 3071 0120 4374001
 byudjetdan mablag' oluvchi STIRI 200 109 123 OKON: 91000
 Gaznachilik bo'limasi nomi Mollya Vazirligi Gaznachiligi
 G'azna x/v: 2340 2000 3001 0000 1010
 Markaziy bank Toshkent sh XKKM
 MFO: 00014

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилик
 Басма н.в 23402000300100001010

Вил: Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ МФО 00014

Газначилик бўлими STIR: 201122919

Раҳбар: А. Абдураҳмонов

Раҳбар: М. Тилешев

М. Тилешев

Бош ҳисобчи: О. Курбонов

О. Курбонов

Ҳуқуқшунос:



Handwritten signature of the seller.

Handwritten signature of the buyer.